

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрь ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 25 181,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,9 % га ўсди.

2018 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 6 895,7 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,2 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган хиссаси 6,2 % ни ташкил этди.


Ялпи ҳудудий маҳсулот 2018 йил январь-декабрь ҳолатига, фоиз таққослама нархда

	млрд.сўм		2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	19 837,5	25 181,2	103,9
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	18 858,3	23 812,3	103,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	979,2	1 368,9	105,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	18 858,3	23 812,3	103,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7 256,7	9 345,3	101,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4 601,2	6 122,2	105,7
саноат	3 713,3	4 907,4	104,8
қурилиш	887,9	1 214,8	109,6
Хизматлар	7 000,4	8 344,8	104,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 615,3	1 971,8	104,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1 579,4	1 718,6	105,6
бошқа хизматлари	3 805,7	4 654,4	104,3

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндисини орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,7 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 39,2 %), саноат – 104,8 % (20,6 %), қурилиш – 109,6 % (5,1 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,6 % (8,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,6 % (7,2 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,3 % (19,6 %) ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК) ҳажми умумий ЯҲМнинг 94,6 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 5,4 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,7 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 39,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,3 % пунктга ўсди ва 25,7 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг IV-чорагида 35,1 % ни ташкил этди ва 2017 йил (37,1 %) билан таққосланганда 2,0 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь–декабрь ҳолатига, жамига нисбатан фоизда



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 8,3 % ни (2017 й. – 8,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 7,2 % ни (8,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,6 % ни (20,1 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2018 йил январь-декабрь, жамига нисбатан фоизда)

